

БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИДА АУДИТ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Касимова Гуляра,

Тошкент молия институтининг "Бюджет ҳисоби ва газначилик иши"

кафедрасининг профессори, иқтисод фанлари номзоди,

kasimovagulyora1960@gmail.ru ,

ORCID: 0000-0002-9997-6104

Махаммадиева Ижобат

Тошкент молия институтининг магистранти,

Makhammadiyeva@inbox.ru

Аннотация: Мақолада бюджет тизими бюджет ижроси назорати ва шакллари, усуллари такомиллаштириш ва бюджет ташкилотларида ички назоратни самарали ташкил этиш йўллари, бюджет ижросининг назорати ва вазифалари, принциплари, бюджет ташкилотларида бухгалтерия бўлимлари бўйича текшириш ўтказишни ўз усуллари, текшириладиган бўлимларни назорат қилиш кетма-кетлиги бўйича ёндошувлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: молиявий назорат, бюджет, давлат бюджети, бюджет тизими бюджетлари маблағлари, давлат молиявий назорати, камерал назорат, Давлат аудити дастурий комплекси, комплаенс назорат.

Кириш

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг янада такомиллаштиришнинг босқичма-босқич ўтиш жараёнида, рақобатнинг кескин даражада кучайиб бораётгани давлатимизнинг жаҳдал сураатларида ривожланишга бўлган янги қарашлар, янгиликлар ҳамда амалиётда тадбир қилишга ундамоқда.

Замонавий сиёсатишуносликда давлатларнинг самардорлиги давлат тўлов қобилиятининг асосий омилларидан бири сифатида қаралади. Шу билан бирга, давлат самардорлиги давлатнинг жамоат товарларининг ишлаб чиқиши ва фуқароларни улар билан таъминлаш бўйича жамоавий ҳаракатларни самарали ташкил этиш қобилиятининг натижаси сифатида тан олинади. XX аср охирига келиб давлатлар самардорлигининг ўрганишга қизиқиши бу умумий эътиборга эга бўлган ҳодисага айланди. Жаҳон тараққиёти ҳисоботида Жаҳон банкнинг таъкидлашича, "ривожланиш хусусий бизнес ва жисмоний шахслар фаолиятининг рағбатлантирувчи ва тўлдирадиган катализатор ва восита ролининг ўйнайдиган самарали давлатни талаб қилади"

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигининг ошириш ва

макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида давлат молиявий назорати тизимини мазмун ва сифат жиҳатдан замон талаблари асосида такомиллаштириш зарурати келиб чиқмоқда. Буни “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи йўналишида келтириб ўтилган “ҳаражатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш”га қаратилган бандида ҳам яққол кўриш мумкин¹.

Давлат бюджетининг назарий, амалий, методологик асосларини, шунингдек, унинг асосий элементлари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва давлат бюджетини жорий қилишнинг бугунги кундаги долзарб муаммоларини тадқиқ қилишдан иборатдир.

Мавзунинг асосий мазмунини ёритишда ва танлаб олинган тадқиқот йўналишини ёритишда қуйидагилар асосий вазифалар қилиб белгиланди:

-Давлат бюджети ҳақида тушунча ва унинг назарий-амалий асосларини ўрганиш;

-Бюджет тизими тушунчаси ва принципларини ўрганиш;

-Бюджет таснифини ўрганиш;

-Давлат бюджетининг таркибий тузилишини ўрганиш;

-Бюджет даромадларини таҳлил этиш;

-Бюджет харажатларини таҳлил этиш;

-Бюджет тақчиллиги ва уни қоблаш манбаларини тадқиқ этиш

-Ўзбекистон Республикасининг солиқ-бюджет сиёсати ҳамда 2022-2023 йилларга бюджетни такомиллаштиришни назарий жиҳатдан асослаб бериш;

-2021 - йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан белгиланган тўлов ставкаларини таҳлил этиш;

-Солиқ ислоҳатининг асосий ўзгаришларини ўрганиш

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси ушбу бюджет маблағларини шакллантириш, уларни мақсадли, оқилона ва самарали сарфланишини таъминлаш ҳамда мазкур бюджетларнинг харажатлари устидан назорат қилиш зарур ҳисобланади. Ушбу мақсадларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам қатор тадбирлар самарали амалга оширилмоқда. Жумладан, Давлат бюджетининг Парламент томонидан тасдиқланиши, [Openbudget.uz](https://openbudget.uz)² ахборот порталининг ишга туширилиши .

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 28.01.2022 йилдаги ПФ-60сон

² <https://openbudget.uz/>

Хусусан, мамлакатимизда юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган прогрессив макроиқтисодий ва фаол инвестиция сиёсати натижасида давлат молиясини ислоҳ қилиш ҳамда давлат молиявий назорати соҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 30-декабрдаги ПҚ-73-сон "Ўзбекистон Республикасининг "2022-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан 40 та биринчи даражали маблағ тақсимловчи органларнинг 2022-2024-йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлари тасдиқланди. Шунингдек, мазкур қарорда дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда қуйидаги: ҳисобот йили якуни бўйича Ҳисоб палатаси мақсадли индикаторларнинг бажарилишини аудитдан ўтказиш; 40 та биринчи даражали маблағ тақсимловчи органларнинг мақсадли индикаторларнинг бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳар чорак якунида ешитиб бориш амалиётини жорий этиш³;

Бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича режанинг бажарилиши ҳақида маълумотлар билан таъминлаш молия органлари бюджет ҳисобининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу маълумотлар асосида бюджет ижроси жараёни устидан назорат қилиш ва тезкор раҳбарлик амалга оширилади. Бу мақсадлар учун молия органлари бюджет даромадлари ва харажатлари, банк муассасаларидаги бюджетнинг пул маблағлари, бюджет бўйича очилган кредитлар ва берилган маблағлар, бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар, ссудалар ва бошқалар ҳисобини юритади. Маҳаллий молия органлари республика бюджетини касса ижросининг ҳисоби бўйича ва молиялаштиришга доир операциялами банклар томонидан бажарилишини назорат қилади.

Молия органларининг бош бухгалтерлари ўз ишларида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ижроси қоидаларини тартибга солувчи амалдаги меъёрий ҳужжатларга риоя қилади⁴. Молия органлари (Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари, шаҳарлар ва туманлар молия органлари)нинг бош бухгалтерлари қуйи молия органларида, бюджет маблағларини бош тасарруф қилувчиларида ва марказлаштирилган бухгалтерияларда бухгалтерия ҳисобини юритишни ташкил қилиш тартиби ва услуби, ҳисоботни тузиш масалалари бўйича кўрсатмалар беради ва назорат олиб боради, тегишли бюджетларда турувчи бюджет

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 30-декабрдаги ПҚ-73-сон

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.09.1999 йил қарори. "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 414-сонли қарор.

ташкilotлари харажатлар сметалари ижросини тафтиш қилишда ходимлар қатнашувини таъминлайди. Молия органи бухгалтерия хизмати бюджет ижросининг ва харажатлар сметаларининг ҳисоби ва ҳисоботи ташкил қилинишининг назоратини жойларда текшириш ва кўздан кечириш, топшириладиган ҳисоботларда хатолар аниқланган ҳолларда, олинадиган даврий ва йиллик ҳисоботлами кўриб чиқиш йўли билан амалга оширади.

Давлат молиявий назорати органларининг сўнгги икки йил фаолияти таҳлилига тўхталсак. Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқамалари томонидан 2020-йилда бюджет маблағларининг самарали ва мақсадли сарфланиши устидан олиб борилган 4729 та (2019-йилда 8074 та) назорат тадбири давомида 246 млрд сўмлик (2019-йилда 142,6 млрд сўм) бюджет интизомини бузиш, бюджет маблағларини асоссиз ишлатилгани аниқланган ҳамда ушбу сумманинг 168,8 млрд сўмини бюджетга қайтарилиши таъминланган. 2021-йилда бюджет қонунчилигини бузилишини ҳамда бюджет маблағларининг сарфланишида хато-камчиликларни аниқлаш юзасидан ўтказилган 7133 та назорат тадбири натижасида 1072,1 млрд сўмлик бюджет камомати аниқланган. Ушбу хатокамчиликка йўл қўйган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилган.

Якуний назорат тарзидаги давлат молиявий назоратининг натижалари давлат молиявий назорат органининг мансабдор шахси томонидан текшириш ва тафтиш натижалари бўйича тузиладиган ҳужжат — далолатнома;

давлат молиявий назорати натижаларини умумлаштирувчи ҳужжат — жамланма далолатнома⁵;

ўрганиш ва назорат тартибида текшириш натижалари бўйича тузиладиган ҳужжат — маълумотнома ёки хулоса;

Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатаси томонидан давлат молиявий назорати натижалари бўйича тузиладиган ҳужжат — ҳисобот тарзида расмийлаштирилади .

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бюджет тизими бюджетларининг маблағларини самарали ва оқилона сарфланиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат молиявий назорати тизимини янада ривожлантириш, бюджет маблағларини аниқ мақсадли йўналишлар бўйича сарфланишини тартибга солиш, бюджет сиёсатидаги асосий устувор йўналишлари ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг узоқ муддатга тузган стратегик ислохотлари йўналишларини белгилаш ҳамда кўзланган мақсадларга эришиш учун муҳим омиллардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг бугунги

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5 август 2022-йилдаги 431-сон қарор.

босқичида давлат молиясини бошқариш тизимини амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислохотлар талабларига мослаштириш, улар фаолиятини сўнгги ижобий натижаларни кўзлаган холда мувофиқлаштириш, давлат молиясини бошқаришни шаклан ва мазмунан янги сифат поғонасига кўтариш, давлат молиясини бошқариш органлари, биринчи навбатда, Молия вазирлиги Ғазначилигининг фаолият механизмларини ва унинг элементларининг фаолиятини такомиллаштиришнинг зарурлиги, бюджет жараёнида бюджет ижросининг ғазначилик тизимига босқичма-босқич ўтилаётганлиги ва бу борадаги муаммоларни тадқиқ этишнинг зарурлиги ҳамда давлат молиясини институционал таркибини ислох қилишда ғазначилик фаолиятининг зарурлиги мазкур мақолада ишнинг долзарблигини белгилаб беради. Бюджет тизимида аудит усулларини қўллаш мақсади, бюджет маблағларининг ишлатилиши ва манфаатдорлигини текшириш ва камчиликларни топишдир. Ушбу усуллар олий тармоқларда, ҳокимиятларда ва бошқа ташкилотларда кўпайтирилади. Аудит усуллари ички, ташқи аудити турларига эга бўлиб, уларни бир нечта мақсадларга қўллаш мумкин. Бюджет маблағларининг ишлатилиши ва манфаатдорлигини текшириш, камчиликларни топиш ва уларни тўғрилашдан иборат ушбу усулларнинг муҳим мақсадларидир.

Фойданалинган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5 август 2022-йилдаги 431-сон қарор.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 28.01.2022 йилдаги ПФ-60сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 30-декабрдаги ПҚ-73-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.09.1999 йил қарори. "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 414-сонли қарор.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.08.2020 йилдаги 506-сон қарори "2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат Молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқаш тўғрисида"
5. А.В. Ваҳобов, Г.А Қосимова - Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. Тошкент 2008.
6. А.И. Зотова, М.В. Кириченко, С.А. Коробко. Статъя. Риск-ориентированный подход к организации бюджетного процесса На субФедеральном уровне. 39 (615) – 2014.